

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ТОЛИБЖОН ЭШҚОБИЛОВИЧ

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ
ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации (PhD) доктора философии

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Эргашев Толибжон Эшқобилевич

Ахборотлашган жамият шароитида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш хусусиятлари 3

Эргашева Толибжона Эшқобилевича

Особенности формирования инновационного мышления молодежи в информированном обществе..... 19

Ergashev Tolibjon Eshqobilovich

Features of formation of innovative thinking of young people in information society 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ТОЛИБЖОН ЭШҚОБИЛОВИЧ

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ
ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal348 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликovich
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Абилов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "27" декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 82-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил "15" декабр кuni тарқатилди.
(2021 йил "___" _____ даги 82 -рақамли реестр баённомаси).



Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги давр тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш асри сифатида, ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ҳамда инсон фаолиятида намоён бўлмоқда. Шунингдек, ахборот макони глобаллашув жараёни ва бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилмоқда. Эътиборли жиҳати, бугун мамлакат ичидаги ва ташқи дунёдаги фаол ахборот алмашувига одамлар эҳтиёжининг жуда ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ахборот соҳасининг бундай тезлик билан ривожланиши, унинг потенциали ва имкониятларининг ўсиши, жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли хил йўналишларда кенг тарзда ишлатилиши, янги XXI асрда инсон тараққиётини аниқлаб берувчи муҳим омиллардан бири бўлмоқда ҳамда ундан самарали фойдаланиш йўллари аниқлашни тақозо қилмоқда.

Жаҳон илм-фанида охириги йилларда ахборот ва инновацион тафаккур феномени билан боғлиқ амалий фундаментал ҳамда назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, инсон ва инновация муаммоси, жамият ижтимоий ривожланишининг янги ахборотлашган давр билан боғлиқлиги, ёшларда ахборот хавфсизлиги, ахборот маданияти билан боғлиқ илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда одамлар, ижтимоий гуруҳлар, айниқса ёшлар онги маълум даражада ахборот воситалари ва ресурсларининг таъсирига тушиб қолмоқда. Шунинг учун, ахборотлашган жамият шароитида аҳолининг, айниқса ёшларнинг илмий ва инновацион тафаккурини ошириш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот, ахборот-психологик хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш заруриятини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатимизда глобал ахборот жамиятида аҳоли, айниқса ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. “Ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда”¹. Шу маънода, ахборотлашган жамият шароитида ёшларни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни илм-фан чўққиларини эгаллаш, янгиликларни жорий этиш, инновацион жараёнларга ўргатиб бориш усул-воситаларини, мезонларини илмий тадқиқ этиш заруриятини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Тошкент, 2016. www.uza.uz.

йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мавзуга тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон тафаккури, ёш авлодни маънавий дунёқарашини юксалтириш, уни бунёкор анъаналар билан тарбиялаш борасидаги фикрлар Марказий Осиё мутафаккирлари ва сиёсат арбоблари Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Ибн Сино, Низомулмулк, Форобий, Юсуф Хос Ҳожибларнинг қарашларида акс этган.

Ижтимоий тараққиётда фуқаролар тафаккурини, фалсафий дунёқарашини шакллантириш масаласига доир назарий қарашларни илгари сурган Ғарб жамиятлари мутафаккирлари француз олими Алексис де Токвиль, инглиз мутафаккирлари Вильгельм фон Гумбольд, Жон Локк, Томас Гоббс², немис олимлари Иммануэл Кант³ ва бошқаларнинг асарларини келтириш мумкин.

Ижтимоий тараққиётда инсон ва инновация муаммоси Ж.Бессант, Р.Греммингер, Р.Делбрж, П.Дракер, А.Жонсон⁴, Ж.Залтмен, Б.Санто, М.Крокко, Ф.Малерба, Р.Нелсон⁵, Л.Пьерре, К.Фримен ва Ж.Шумпетерлар каби хорижий олимларнинг бир қатор ишларида тадқиқ этилган.

Инновацион ривожлантириш мезонлари, инновацияларнинг жамият ижтимоий ривожланишининг янги ахборотлашган давр билан боғлиқлиги масалалари МДҲ мамлакатлари олимларидан О.Аксенова, М.Гнатюк, С.Имгрунт, С.Кравченко, В.Маркин, В.Пуляев Г.Силласте, Н.Скворцов, И.Халий, Е.Шулятьев ва Э.Эмирбекова асарларида қараб чиқилган.

Мамлакатимизда ахборотлашган жамият, ёшлар ахборот хавфсизлиги, инновацион фаоллигини таъминлаш муаммоларини муайян даражада ўз ичига олган тадқиқотлар олиб борилган. Х.Абдусатторова⁶, М.Бекмуродов, Т.Жўраев, Н.Жўраев, С.Жўраев, С.Каримов, А.Мўминов, О.Мусаев, С.Отамурадov, А.Сайтқосимов⁷, Б.Тўраев, А.Холбеков, А.Эркаев, И.Эргашев,

² Гоббс Т. О Гражданине. Соч. Т.1. -М., 1989.;

³ Кант И. Идея всеобщей истории о всемирно гражданском плане. Соч. Т.6. -М., 1966.;

⁴Johnson A. Functions in Innovation System Approaches, Gothenburg, Sweden: Chalmers University of Technology, 2002.

⁵ Nelson R., ed., National Innovation Systems: A Comparative Analysis, N.Y.: Oxford University Press, 1993.

⁶ Абдусатторова Х. Инновация стратегияси. –Тошкент: Tafakkur bo'stoni, 2012.

⁷ Сайтқосимов А. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. –Тошкент, Тафаккур, 2019.

С.Чориев, Н.Шермухаммедова, Ж.Яхшилик, Ш.Қўшоқов, Қ.Қуронбоев, В.Қўчқоров, О.Ғайбуллаевлар шулар жумласидандир.

Ахборотлашган жамият шароитида ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга оид илмий муаммони ўрганиш бугунги кунда иқтисодий ва табиий фанлар билан биргаликда ижтимоий-гуманитар фанларга оид бўлган вазифага ҳам айланмоқда. Мазкур масалани ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш жамиятда ёшлар оммаси ижтимоий ҳаётини янада барқарорлаштиришда хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах Давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” мавзусидаги 57-11/78 рақамли амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборотлашган жамият шароитида ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш омиллари ва хусусиятларининг методологик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий моҳияти, фалсафий мазмуни ва ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

ахборотлашган жамиятда ижтимоий ҳаётни модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини ёритиб бериш;

замонавий шароитда ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш фалсафий-методологик хусусиятларини кўрсатиб бериш;

ахборотлашган жамиятда ёшлар инновацион тафаккурига таъсир этадиган ижобий ва салбий тенденцияларини тадқиқ этиш;

фан ва таълим тизимида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантиришнинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятини ўрганиш;

ёшлар инновацион тафаккурини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий институтларнинг ўрнини илмий таҳлил этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборотлашган жамият ва ёшлар инновацион тафаккури танланган.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш тенденциялари ва мезонларини фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, синергетик, эмпирик-социологик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон капитали билан боғлиқ “инновацион фаоллик”, “инновацион салоҳият”, “инновацион ресурс” ва “инновацион тараққиёт” феноменининг ёшлар инновацион тафаккури трансформацияси, генерацияси ва рефлексиясига регулятив таъсири фалсафий жиҳатдан асосланган;

бугунги замонавий шароитда ёшлар инновацион тафаккурини юксалтиришда миллий характернинг миллий қиёфа, тарихий тажриба ва ижтимоий кайфият сингари детерминистик омилларини ҳисобга олиш зарурлиги ғоявий ворислик тамойили контекстида фалсафий жиҳатдан асосланган;

инновацион тафаккурнинг нозичлиги, ўз-ўзини ташкил этиш каби синергетик хусусиятлари акмеологик, кумулятив ва рефлексивликка асосланган янги парадигмал ёндашувларнинг ижтимоий ҳаётга тадбиқида кластер стратегияси, ёшлар селекциясини кучайтириш билан боғлиқлиги очиқ берилган;

ёшларнинг инновацион тафаккурига салбий таъсир кўрсатувчи экзоген ва эндоген омиллар негизида асосан лоқайдлик, пассивлик ва беқарорлик каби деструктив ҳолатларни намоён бўлиши мантиқий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ахборотлашган жамият шароитида ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёшлар инновацион тафаккури шаклланиши жараёнидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар ижтимоий ҳаёти барқарорлигини таъминлашда инновацион ёндашувлар ишлаб чиқилган;

замонавий шароитда ижтимоий ҳаётни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш, бу жараён орқали ёшлар инновацион тафаккурини юксалтириш борасида тақлифлар кўрсатилган;

ёшлар инновацион тафаккури, салоҳияти ва фаоллигини юксалтиришда таълим тизими, ижтимоий-сиёсий институтлар, замонавий инфратузилмалар аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Халқаро, республика ва маҳаллий миқёсдаги илмий-амалий анжуманлар тўпламлари, хорижий ва мамлакатимизда чоп этиладиган илмий журналларда чиқарилган мақолалар ва улар тўғрисидаги тақризлар, хулосалар, ишлаб чиқилган ва берилган тегишли тақлиф ва тавсияларнинг ҳавола этилгани, олинган натижалар бўйича тегишли муассаса, идора ва ташкилотлар томонидан ҳужжатлар тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, глобал ахборотлашган жамиятнинг тезкор шароитида ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари ижтимоий-фалсафий асосда илмий тадқиқ этилганлиги ҳамда ҳавола этилган концептуал аҳамиятга эга бўлган ғоялардан фалсафа, социология, маънавият асослари, миллий ғоя ва педагогик туркум фанлари методологик ёндашувларини такомиллаштириш ва ушбу йўналишда илмий изланишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ғоялар ва ёндашувлар давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ва тарбия тизими инфратузилмалари, ёшларга оид муассасалар, нодавлат

нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятида, маъруза матнлари, ўқув дастурлари ва дарсликларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборотлашган жамиятда ёшлар инновацион фаоллигини шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

инсон капитали билан боғлиқ “инновацион фаоллик”, “инновацион салоҳият”, “инновацион ресурс” ва “инновацион тараққиёт” феноменининг ёшлар инновацион тафаккури ривождаги регулятив таъсирига оид таклиф-тавсияларидан “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” номли дарсликнинг VII бобидаги 5-параграфи 1.1. “Ахборотлашган жамият тушунчаси, мазмуни ва унинг моҳияти”, 2.3.банди “Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш-мафкуравий хуружларга қарши кураш омили”, 3.3.банди “Оммавий маданият”га қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 89-03-4999-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълимни инновацион ривожлантириш борасидаги илмий ёндашувларни такомиллаштириш таълим тизимида ёшлар селекциясини кучайтириш ва инновацион фаолликни кучайтиришга хизмат қилган;

замонавий шароитда ёшлар инновацион тафаккурини креатив, эпистемологик ва методологик хусусиятларини детерминистик асосда ғоявий ворислик тамойили контекстга доир таклиф ва тавсиялардан “Техника ва инфорацион технологиялар фалсафаси” дарслиги IX бобининг 2-параграфи “Замонавий техникавий билимларни ривожланишининг асосий йўналишлари”, “Инфорацион технологиялар-техника фалсафасининг тадқиқот объекти” номли XI бобининг 1-параграфи “Ахборотлашган жамият тушунчаси, мазмуни ва унинг моҳияти”, 6-параграфи “Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш-тарихий зарурат сифатида”, мавзуларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 89-03-5000-сон маълумотномаси). Натижада, таълим-тарбия тизимида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш борасида илмий ёндошувларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

инновацион тафаккурнинг нозизиқли, ўз-ўзини ташкил этиш каби синергетик хусусиятлари акмеологик, кумулятив ва рефлексивликка асосланган янги парадигмал ёндашувлар, инновацион тафаккурни ижтимоий ҳаётга тадбиқи, ёшлар селекциясини кучайтириш билан боғлиқ хусусиятлар, фикр-мулоҳазалари ҳамда таклиф-тавсияларидан Жиззах вилояти тожик миллий-маданий марказининг “Демократик тараққиётни акс эттирувчи турли хилдаги тўпламлар, ижодий ишларни чоп этиш ва халқ оммасига етказишда ҳар томонлама кўмаклашиш” номли 63-11/41 рақамли амалий грант лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган

(Республика тожик миллий маданий марказининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01-41-сон маълумотномаси). Натижада, ёшлар инновацион тафаккурини ривожлантириш борасида илмий асосланган ғоялар шакллантиришга хизмат қилган.

Ёшларни инновацион тафаккурига салбий таъсир кўрсатувчи экзоген ва эндоген омиллар негзида лоқайдлик, пассивлик ва беқарорлик каби перманент муаммолар макон ва замонда намоён бўлиш хусусиятлари борасидаги таклиф ва тавсиялардан Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2018-2019 йилларда эфирга узатилган “Иқтидор”, “Бунёдкорлик”, “Ёшлар вақти”, “Тараққиёт тамойили” мавзусидаги радиоэшиттиришларни дастур сценарийсини тузишда фойдаланилган (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 сентябрдаги 01-12/726-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тавсиялар ахборотлашган жамият шароитида ёшлар инновацион тафаккурини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий конференцияларда муҳокама қилинган, жумладан 5 та халқаро 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусига тааллуқли 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ахборотлашган жамият ва унинг ижтимоий-фалсафий ва назарий-методологик талқини”** деб номланган бўлиб, у уч қисмдан иборат. Ушбу бобда ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий моҳияти, фалсафий мазмуни ва ривожланиш тамойиллари, назарий-методологик жиҳатлари, мазкур ижтимоий маконда жамият ҳаётини модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий

хусусиятлари, унинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, ахборот тушунчаси, унинг ижтимоий моҳияти ва фалсафий категория сифатида талқини баён этилган.

Ушбу бўлимда ахборотлашган жамият тузилиши ва таркиб топиши жиҳатидан мураккаб ижтимоий макон ҳисобланиши, бугунги ҳаётда ахборотлашган жамият хусусиятлари билан боғлиқ жараёнлар ўзининг кўламини кенгайтириб бораётганлиги илмий мабалар асосида асосланган. Глобаллашган ва ахборотлашган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этмоқда. Яъни, у жаҳон ҳамжамияти, минтақалар, давлатлар ва инсонлар ҳаётида ижобий ҳам салбий куч сифатида намоён бўлмоқда.

Шу маънода “ахборотлашган жамиятда” ахборотни қабул қилиш, юбориш, қайта ишлаш, ўз мақсадларига мослаштириш, техникавий-технологик соҳада катта имкониятга эга бўлган мамлакатлар қулай шароитга эга бўладилар. Мана, шу устунлик туфайли улар ўз манфаатларига мос келувчи технологияларни ишлаб чиқаради, иқтисодий қудратли давлатга айланади, кадриятлар ва ғояларни илгари суради, шу ғоялар атрофида жипслашишга бошқаларни ҳам ундайди.

Ахборотлашган жамият моҳияти, унинг кўлами ва хусусиятларини таҳлил этиш дунё тадқиқотчиларининг долзарб муаммосига айланган. Ахборотлашган жамиятга интернет онлайн луғатда “телекоммуникация, радио, телевидение, Интернет, шунингдек, анъанавий ва электрон оммавий ахборот воситаларидан фойдаланаётган ахборот жамияти бўлиб, глобал ахборот маконини яратиш, одамларнинг самарали ахборот алмашинуви, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига кириш имконияти, ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш”⁸, деб таъриф берилган.

Бизнинг фикримизча, ахборотлашган жамият – глобал ахборотлашган борлиқ, ижтимоий, маънавий ва техник хусусиятларга эга бўлган макон, ахборотнинг жаҳон бўйлаб тақсимланганлиги, ягона ахборот тизимлари, тезкор ахборий муносабатлар бўлиб, инсонларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқи ва эҳтиёжининг таъминланиши, ўз навбатида оммавий ахборот воситалари томонидан ахборотнинг долзарблиги, тўлалиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги таъминланиши, натижада омма онгининг юксалиши ва инновацион тафаккури ўсишининг юзага келишидир.

Жамиятни модернизация қилишда, ислохотларни жадаллаштиришда рақамли иқтисодиёт истиқболли аҳамиятга эга. Ахборотлашган жамиятга ўтиш даврида Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, у учун шарт-шароитлар яратиш, инновацион технологияларни жорий этиш, бу ишларга юртимиздаги ва хориждаги мутахассисларни, айниқса ёшларни жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда ва қонунчилик билан мустаҳкамланмоқда.

⁸ Информационное общество. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

Илм-фанни янада ривожлантириш ва унга давлат миқёсида эътибор қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Муурожаотномасида шундай фикрларни билдирди: “Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавий ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошланган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этаман”⁹.

Ахборотлашган жамиятда модернизация жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, ўзига хос тараққиёт тамойилини ҳосил қилади, чунки, бу жамият техник ва технологик ривожланиш ва жадал янгиланишларга асосланган ижтимоий макондир. Жамият соҳаларини модернизациялаш ва инновационлаштириш шундай жараёнки, унда инсоннинг анъанавий турмуш тарзи замонавий кўламдаги янги босқичга ўтади ва унинг заминида ижтимоий ҳаётнинг барча тизимларида туб ўзгаришларга эришилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ахборотлашган жамиятда ёшларни инновацион тафаккурини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари”**, деб номланган. Мазкур бобда инновацион тафаккур, унинг хусусиятлари, шаклланиш тенденциялари, ривожланиш мезонлари, ижтимоий-фалсафий мезонлари, замонавий шароитда ёшларни инновацион тафаккурини шакллантиришнинг долзарблиги, ёшлар инновацион тафаккурига таъсир этувчи ахборий ва маънавий таҳдидлар, ижобий ва салбий омиллар, ёшлар ҳаётини қамраб олган глобал информацион муҳит ва уни барқарорлаштириш услублари, ахборотлашган борлиқда долзарб бўлган тафаккурини шакллантириш технологиялари таҳлил этилган.

Фалсафий тадқиқотлар методологиясининг ўзига хос таркибий йўналишига тааллуқли бўлган инновацион тафаккур тушунчасини кенг қамровли ўрганиш, ушбу ҳодисанинг ижтимоий хусусиятини тизимли таҳлил этиш муҳим масаладир. Шунинг учун, мазкур бобда инновацион тафаккурни фақат педагогик, технологик ёки иқтисодий илмлар билан боғлиқ категория сифатида эмас, унинг ижтимоий фанлар билан, тўғрироғи фалсафа билан боғлиқ категория, ахборотлашган маданий борлиқнинг субстанционал асоси сифатида ўрганиш долзарб илмий масала эканлиги кўриб чиқилди.

Чунки, инновация сўзи кўпроқ ижтимоий соҳага хизмат қиладиган жараён бўлса, тафаккур сўзи чуқур фалсафий категория бўлиб, инсон ва ижтимоий тараққиёт ўртасидаги ўзига хос алоқани таъминлайди. Э.Романованинг таъкидлашича, “Инновацион тафаккур янгиликларни вужудга келтиришга омил бўладиган яратувчилик жараёнидир. Шунингдек, инновацион тафаккур ижодий тафаккурдан шуниси билан фарқ қиладики, у ижодий фаолият доирасидан чиқиб, бизни ўраб турган дунёни ўзгартиришга

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мураажотномаси. 24.01.2020 йил. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>

қодир бўлган инновацион фаолият амалиётини таъминланиши, ижтимоий инновацияларни вужудга келишига ёрдам беради”¹⁰.

Бизнинг фикримизча, инновацион тафаккур инсон ижтимоий тафаккур тарзининг бир қисми бўлиб, инновацион амалиётда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кадриятлар, ўзлаштирилган илмий қарашлар ва тасавурлар, анъаналар, эҳтиёж, руҳий ва ақлий такомил учун хизмат қилувчи маънавий механизмлар бирлиги бўлиб, у шахсининг онги ва дунёқарашининг бевосита моддий ва маънавий амалиёт билан боғлиқ равишда юзага чиқиши, маърифий етуклик ҳолати ҳамда ижтимоий ҳаётда янгиланишлар феноменининг юзага чиқишидир.

Шунингдек, инновацион тафаккур ёшлар онги даражасининг жамиятда яратувчилик фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ ҳолда такомиллаштириш, инсон маданий ҳаётини илмий асосларда жамият фаровонлигини ўстириш билан зарурати билан шакллантириш, ижтимоий-маданий борлиқда инсон ва жамият эҳтиёжларини таъминлаш, ёшлар маънавий қиёфати, маърифий ва интеллектуал даражаси, яратувчанлик фазилатлари, жисмоний ва ақлий қобилиятлари ўстиришга қаратилган инновацион кадриятларни вужудга келтириш мезонидир.

Ахборотлар ижобий ёки салбий мақсадларни кўзлаб тайёрланиши ва шунга яраша ишлатилиши мумкин. Салбий мақсадларни кўзлаб тайёрланган ахборотлар ёшлар онгини ўзгартириш, енгил-елпи яшашга чақириш, бузғунчи ғояларни шакллантириш ва натижада давлатга, жамиятга ва инсонга зарар келтирса, ижобий ахборотлар билим олиш, ўрганиш, ёшлар руҳиятини шакллантириш, ихтиролар қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва бунинг натижасида шу жамиятнинг гуллаб-гуркираши, ишлаб чиқариш тараққиёти, ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлайди. Профессор Ж.Яхшиликовнинг таъкидлашича, “Ҳамма нарсанинг яхши ва ёмони бўлганидек, бу қулайликлар билан бирга интернетдан самарали ва мақсадли фойдаланувчилардан ташқари ундан вақтни бекорга ўтказиш, турли кўнгилочар ҳамда беҳаё сайтлардан фойдаланувчилар ҳам кўпайиб бормоқда”¹¹.

Маълумотларга кўра, фойдаланувчиларнинг сони бўйича Facebook ижтимоий тармоғи етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда тармоқдан 2,5 миллиард инсонлар рўйхатдан ўтган ҳамда фойдаланувчилар сони бир йилда 8 фоизга ўсган. Ижтимоий тармоқнинг даромади ҳам шунга яраша бўлиб 2019 йилда 70,697 миллиард АҚШ долларини ташкил этган ва 2018 йилга нисбатан 27 фоизга кўпайган. Рекламадан тушган маблағ 69,655 миллиард долларни ташкил этган. Ундан кейинги ўринларда Twitter бўлиб, унда 336 миллиондан ортиқ фойдаланувчи бўлиб, улар ҳар куни 500 миллион твит эълон қиладилар. MySpace (255 миллион фойдаланувчи), Одноклассники

¹⁰ Романова Э. Инновационное мышление – как фактор подготовки старшеклассника к жизни в обществе. Казанский педагогический журнал №5, 2018. –С. 184.

¹¹ Яхшиликов Ж.Я, Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Тошкент. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. Б 503-504

(205 миллиондан ортиқ фойдаланувчи), Windows Live Spaces (120 миллион фойдаланувчи) ижтимоий тармоқларни келтириш мумкин¹².

Ёшлар инновацион тафаккур ижтимоий онг билан боғлиқ, жамиятда фаровонлик учун янгиликлар яратишга қаратилган феномендир. Техноген тараққиётда юз бераётган илгариланма ўзгаришлар инсон инновацион тафаккур тарзига деструктив таъсир қилиши мумкин. Демак, биз ёшлар онгида салбий таҳдидларни олдини олишимиз, уларда инновацион тафаккур тарзини юксалтиришимиз лозимдир.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантиришда маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий институтларнинг ўрни**” деб номланган. Мазкур бобда фан ва олий таълим тизимида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий институтларида, меҳнат жамоаларида ишловчи ёшларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, бу борада қўлланиладиган самарали педагогик технологиялар, услублар ва воситалар, инновацион тафаккурнинг инсон жамият маънавиятини такомилга ижобий таъсири ва бу борада ташкил этиладиган инновацион асосдаги чора-тадбирлар ёритиб берилган.

Шунингдек, таълимнинг барча босқичларида ёшлар ичидан янги ғоялар, ишланмалар ва технологиялар яратишга қурби етадиган иқтидорли ва талантлиларини танлаб олиш, долзарб илмий-техника жараёнларига жалб этиш борасидаги илмий тавсиялар берилган. Ёшларни ва ёш кадрларни инновацион жараёнларга кенгроқ жалб этиш муҳим ижтимоий масала ҳисобланади. Ёшлар инновацион тафаккурини ўстиришда таълим ва фан соҳаларида ёш кадрларни рағбатлантириш, уларни иқтидорлиларини доимий танлаб бориш, уларнинг юқори илмий ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини тарбиялаш талаб этилади. Ёшлар инновацион салоҳиятини ошириш А.Алиқариевнинг фикрича, “инновацион ахборот маҳсулотлари, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида инновацион ғояларни ишлаб чиқиш”¹³ни назарда тутатди.

Инновацион тафаккурни шакллантириш ва инновациялар мазмун-моҳиятини ёшларга сингдириш ва амалий фаолиятда қўллашнинг йўл-йўриқлари ва асосий йўналишларини ўргатишда услублар муҳим аҳамият касб этади. Инновацион тафаккурни ривожлантиришга оид услублар социологик тадқиқот, кузатув, ёшлар ҳаётий жараёнларини социал-психологик ўрганиш, олинган натижаларни ва ахборотларни формал таҳлили, статистик маълумотларни қиёслаш, маълумотларни бир-бири билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш, истикболни башорат қилиш каби усуллардан фойдаланилади.

¹² <http://xs.uz/uzkr/post/facebook-fojdalanuvchilari-soni-2,5-milliardga-etdi>

¹³ Алиқариева А. Таълим сифатини бошқариш тараққиёт гарови сифатида // Социологияни ўқитиш ва социологик тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, 2018 й. –Б. 223.

Ёшлар онгида инновацион тафаккурни шакллантириш ишларида ижтимоий-сиёсий институтлар муҳим роль ўйнайди. Ёшлар ҳаётида жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш чора-тадбирларига камарбасталик, ижтимоий ва маънавий тамойиллар моҳиятини чуқур англаш, ислохотлар мақсад ва мазмунини тўла англаш ва бу жараёнларда фаол иштирок этиш, янгиликларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий овозига эга бўлиш учун ҳаракат, яратувчанлик қобилияти, ўз шахсий тақомилини жамият ривожига билан боғлаш, бунёдкорлик ишларига тайёрлик, маънавий ва ижтимоий бағрикенглик кайфиятларини вужудга келтириш зарурий вазифа ҳисобланади.

Бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бири бўлган ёшлар инновацион фаоллигини ошириш, бу борадаги муаммоларни ечишда жамоат ташкилотларининг ўрни бўйича социологик тадқиқот ўтказилди. Социологик тадқиқотда берилган “Жойларда ёшлар ўртасида инновацион фаолликни таъминлаш борасидаги муаммоларни ечишда жамоат ташкилотлари (Ёшлар агентлиги, хотин-қизлар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари) нинг ўрни қандай?”, деган саволга респондентларнинг 37 фоизи ушбу ташкилотларнинг ёшларнинг инновацион фаоллигини ошириш борасидаги муаммоларини ечишда ўрни сезилмаслиги, 28 фоизи уларнинг ўрни ўрта даражадалиги, 18 фоизи уларнинг ўрни мақсадга мувофиқлиги ва 17 фоизи жамоат ташкилотларининг мазкур муаммоларни ечишдан хабари йўқлигини билдиришган.¹⁴



Ижтимоий-сиёсий институтлар ёшлар инновацион тафаккурини ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни кучайтириши мақсадга мувофиқ:

- ёшлар ижтимоий муаммоларини инновацион ечимда кўмаклашиш;
- илмий, инновацион ва бунёдкорлик фаолиятини рағбатлантириш;
- соғлом ва намунали турмуш тарзини тарғиб қилиш;
- ижодий, инновацион ва ижтимоий фаоллигини ошириш;

¹⁴ Жиззах вилоят “Истиқбол” Минтақавий тадқиқот маркази материаллари. // ЖДПИ: МТМ. Жиззах, 2020.

маънавий қадриятларни тиклаш ва миллий маданиятни ривожлантириш;
хунармандчилик, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш каби
соҳаларда қўллаб-қувватлаш.

ХУЛОСА

“Ахборотлашган жамият шароитида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш хусусиятлари” мавзусидаги диссертация тадқиқоти бўйича олиб борилган ишлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига фуқаролар, давлат ҳокимияти ва жамоат бирлашмаларининг ахборот соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида оптимал шароитларни яратиш учун ташкил этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнлар ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

2. Жаҳонда ахборотни тезкорлик билан барча соҳаларни қамраб олиши, унинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто сиёсий аҳамият касб этиши ахборотлашган жамиятни вужудга келишига сабаб бўлмоқда, ахборотлашган жамият моҳияти, унинг кўлами ва хусусиятларини таҳлил этиш дунё тадқиқотчиларининг долзарб муаммосига айланган.

3. Ёшлар инновацион тафаккурини шаклланиши уларнинг моддий даражаси, маънавий ҳаёти, социал турмуш тарзи, жисмоний соғломлиги, интеллектуал ва ахлоқий камолоти, маърифий такомиллиги, яратувчанлик фаоллиги билан боғлиқ жиҳатлар муҳим ўрин эгаллайди.

4. Жамиятда ёшлар дунёқарашидаги ижобий фикрларни ривожлантириш, уни ҳаётга тадбиқ этиш, салбий ўй ҳаёллар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида уларнинг ахборот маданиятини шакллантириш долзарблик касб этади.

5. Таълим ва фан тизимини ривожлантириш ва бу орқали ёшлар инновацион тафаккурини юксалтириш жамиятнинг барча соҳалари истиқболини таъминлайди, ёшлар камолоти учун салмоқли шарт-шароитлар яратиб, ёшларга оид давлат сиёсати амалиётига ҳисса қўшади.

6. Ўзбекистонда янгиланган жамиятда замонавий таълим тизимини шакллантириш ва юксак иқтидорли ва юқори малакали, илғор инновацион фикрлайдиган ёш кадрларни тайёрлаш ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт ва миллий сиёсатнинг асосий омилига айланган.

7. Ёшларнинг инновацион салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этиб, ўз дастурларида ёшларнинг эрки, дунёқараши ҳамда манфаатини ифодалаб фаолият олиб бормоқда.

8. Ахборотлашган жамият шароитида инновацион тафаккурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш ёшларда фуқаролик масъулияти, ватанпарварлик, инсон ва жамият фаронлиги учун меҳнат қилиш

туйғуларини кучайтиради, ўзликни англаш, эркин фикрлаш салоҳиятини чуқурлаштиради.

9. Замонавий шароитда ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш учун уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш муҳимдир, акс ҳолда бекорчи ёшлар онгги боқибегамлик, боқимандалик ва бузғунчилик иллатлари билан суғорилади, бунёдкорлик кайфияти шаклланмайди.

10. Инновацион тафаккурни шакллантиришда ёшлар ҳаётида фуқаролик масъулияти, ҳуқуқий маданият, юқори интеллектуал қобилият, ижтимоий-сиёсий фаоллик, жамият иши учун сафарбарлик этиш каби ижтимоий қадриятларни вужудга келтириш нафақат давлат, балки жамоатчиликнинг ҳам долзарб вазифасига киради.

“Ахборотлашган жамият шароитида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш хусусиятлари” мавзусини тадқиқ этиш ва бу жараён орқали жамият замонавий тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида қуйидаги амалий таклифларни илгари сурамиз:

1) ахборотлашган жамиятда ёшлар инновацион тафаккурини ривожлантириш ишини самарали ташкил этиш учун “ёшлар-таълим-инновация” ғоявий тизимида концепция ишлаб чиқиш, унинг амалий натижасини таъминлаш инновацион механизмларини ҳаётга жорий этиш;

2) ёшлар инновацион фаоллигини таъминлаш, инновацион жараёнларни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир вилоят марказида минтақавий инновацион ривожланиш илмий-тадқиқот институтларини ташкил этиш;

3) ёшлар инновацион тафаккурини шаклланиши ва ривожланиш жараёнларини илмий ва амалий тадқиқ этиш, бу борада жамоатчилик йикрини ўрганиш мақсадида ҳар бир вилоятда социологик тадқиқот марказлари ташкил этиш ва етук социолог мутахассислар билан таъминлаш;

4) ёшлар инновацион тафаккурини шаклланиши ва ривожланиш жараёнларида таълим ва илмий жараёнларни такомиллаштириш мақсадида ЎзМУ Жиззах филиалида “Социология”, “Фалсафа” ва “Ижтимоий иш” йўналишларини очиш ва мутахассис кадрлар тайёрлаш;

5) инновацияларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини кучайтириш мақсадида “Ёшлар инновацион фаолияти тўғрисида” қонун ва “Ёшлар инновацион фаоллигини таъминлаш тўғрисида”ги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

6) талабаларнинг инновацион тафаккури ва инновацион фаоллигини ошириш, инновацион маданияти ва салоҳиятини юксалтириш мақсадида олий таълим муассасалари қошида “ёшлар инновацион тадқиқот марказлари”ни ташкил этиш;

7) мамлакатимизда ёшларнинг инновацион асосда билим олиши мақсадида барча олий таълим тизимида кластер тизимини жорий этиш, олийгоҳлар қошида боғчалар, умумий ўрта таълим мактаблари, коллежлар ташкил этиш ва таълим узвийлигини инновацион асосда таъминлаш;

8) Ёшларнинг инновацион тафаккурини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари ва профессор ўқитувчилари илмий-ижодий фаолияти учун “Ёшлар ва инновация” клуби ва илмий журналини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ №DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЭРГАШЕВ ТОЛИБЖОН ЭШКОБИЛОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОГО
МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В ИНФОРМИРОВАННОМ ОБЩЕСТВЕ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**

Самарканд – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/Fal348.

Диссертация выполнена в Джизакском педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета (www.samdu.uz) а также в информационно-ресурсный портал "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Яхшилик Яхшиликovich**
доктор философских наук (DSc), профессор

Официальные оппоненты: **Хажиева Мақсуда Султановна**
доктор философских наук (DSc), профессор

Абилов Ўрол Муродович
доктор философских наук (DSc), профессор

Ведущая организация: **Каршикий государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в 14⁰⁰ часов «22» декабрь 2021 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № 82). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40)

Автореферат диссертации разослан «15» декабрь 2021 г.
(Протокол № 82 от «15» декабрь 2021 г.)



Ш.Ш.Негматова
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н., доцент

А.Р.Самадов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертации. В современном мире, когда наступает эпоха стремительных масштабных информационных систем и развития телекоммуникационных технологий, это отражается практически на всех аспектах жизни и деятельности человека. Информационное пространство также признаётся фактором, влияющим на процесс глобализации и глобального развития. Примечательно, что сегодня наблюдается процесс активного роста потребности людей в информационном обмене внутри страны и за ее пределами. Столь стремительное развитие информационной сферы, рост ее потенциала и возможностей, широкое использование в различных сферах общественной и государственной жизни может стать одним из важных факторов, определяющих человеческое развитие в новом XXI веке.

В последние годы в мировой науке проводятся практические фундаментальные и теоретические исследования феномена информационного и инновационного мышления. В частности, все большее значение приобретают научные исследования по проблеме человека и инноваций, связи социального развития общества с новым информационным веком, информационной безопасности молодежи, информационной культуры. Сегодня на умы людей, социальных групп, особенно молодежи, в той или иной степени влияют средства и ресурсы информации. Следовательно, в информированном обществе существует потребность в усилении научного и инновационного мышления населения, особенно молодежи, для изучения проблем информационной, информационной психологической безопасности личности, общества и государства.

В нашей стране глобальное информационное общество уделяет особое внимание воспитанию населения, особенно молодежи. «Сегодня воспитание молодежи остается проблемой, которая никогда не потеряет для нас своей актуальности и важности. Сегодняшний быстро меняющийся мир открывает новые и большие возможности для человечества и молодежи»¹⁵. В этом смысле в условиях информированного общества становится необходимой научное изучение методов и критериев воспитания молодежи как полноценного человека, для освоения вершин науки, внедрения инноваций, обучения инновационным процессам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Указе № ПФ-5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», в Указе № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан

¹⁵ <https://uza.uz/ru/posts/obespechenie-verkhovenstva-zakona-i-interesov-cheloveka-gara-09-12-2016>

до 2030 года», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 27 апреля 2018 года № ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практической реализации инновационных идей, технологий и проектов», и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в рамках первого приоритета развития науки и технологий республики I. «Формирование и реализация системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества и демократического государства, а также способов их реализации».

Степень изученности проблемы. Идеи о человеческом мышлении, возвышении духовного мировоззрения подрастающего поколения, воспитании его в созидательных традициях нашли отражение во взглядах центральноазиатских мыслителей и политиков Абу Райхана Беруни, Амира Темура, Алишера Навои, Бабура, Фароби, Ибн Сино, Низамулмулка, Юсуфа Хас Хаджиба.

Такие мыслители, как англичане Вильгельм фон Гумбольдт, Джон Локк, Томас Гоббс¹⁶, немцы Иммануил Кант¹⁷, а также француз Алексис де Токвиль и другие выдвигали теоретические идеи на формирование мышления и философского мировоззрения граждан в процессе общественного развития.

